



СССР УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН * 26 февраль 1969 йил, чоршанба * № 48 (14.211). ♦ Баҳоси 2 тьян.

ЛЕНИННИНГ ДУСТИ, САФДОШИ



БАШАРИЯТ эрки, бахт-саодати, иштиқбол учун курашган, ўзининг юксак маънавий қиёфаси, муқаддас ишлари билан номи дилларга мангу бишган ўлмас сиймолар хотираси авлодларда ҳаммиша азиз ва муътабардир. Буюк пролетариат доҳиси В. И. Лениннинг дўсти, сафдоши Надежда Константиновна Крупская кўна тарих саҳифасига файз киритган, энг муқаддас оила, юртга ҳормай-толмай хизмат қилиш намунасини кўрсатган, социалистик давлат халқ маорифининг кенг уфқларини очган абадий барҳаёт инсонлардандир.

Газетанинг ички икки саҳифасида Н. К. Крупскаянинг кўп қиррали фаолияти ҳақида ҳикоя қиламиз.

ЛЕНИНЧА МЕХНАТ ВАХТАСИДА

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН-МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Қаҳқардаёда 32 километрлик Оқбаш—Қарши сув қувириғининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Бу сув қувири «Гаршинстрой» махус монтаж ишлари бошқармаси коллективи томонидан диаметри бир метрлик қувирилдан ётқизилган.

«Узсельхозтехника»нинг Олтиариқ район бирлашмаси ҳузурида механизаторлар тайёрлайдиган тўрт ойлик курс очилди. Бу курсда 50 киши ўқишмоқда. Урта мактабни битириб чиққан қизлар малакали механизатор бўлиб етишишга қарор қилдилар. Машгулотларни район қишлоқ хўжалик бошқармаси ва «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг инженерлари, мутахассислари ўтказмоқдалар.

«Ташсельмаш» заводига ана шу турдаги корхоналарнинг Бутуниттифок социалистик мусобақасида туқиз кварталдан буён сурунасига соврийли ўрин бериб қолди.

Эндиликда каноп поясидан тола ажратиш учун 50 куни ўрнига бор-ўғри 25 минут кирфоя қилади. Бунга каноп поясини сувда узок вақт кийтиш ўрнига тўз исотиасидан фойдаланиш йўли билан муваффақ бўлишди, Новоқозненск луб заводига канопни жадал ишлаш учун дастлабки комплекслар монтаж қилинди.

Росний хабарлар
А. Н. Косигин Ҳиндистоннинг СССРдаги элчисини қабул қилди
СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси Дурга Прасад Дхарни 24 февралда Кремлда қабул қилди ва у билан суҳбатлашди, суҳбат саманий, дўстона вазиётада ўтди.

СЎЗ - ТАЖ РИБАКОРЛАРГА
ЮТУҚЛАРИМИЗ БОИСИ
Колхозимиз райондаги кўп тармоқли хўжалиқлардан бири. Кўпгина қорва молларга эгамиз. Мол озуқасини асосан ўзимиз етиштирамиз. Ҳар йили куз ва баҳорда катта-катта майдонларга озуқабоп экинлар ва галла ағамиз. 234 гектар тоқоримиз. 300 гектардан ортқ бөгимиз бор. 430 гектар майдонда пахта етиштирялмиш. Тармоқларнинг катта-кичиклигига қараб колхозчилар тақсимланган. Улар касбларни ўзлари танлаб олишган. Колхозчиларнинг бир ишдан иккинчи ишга ҳадеб алмаштирилавелишига мутлақо йўл қўйилмайдн. Ҳар бир колхозчининг ўз вазиёсига узоқ йил ишлаши учун имконият яратиб берилган. Бу аса уларнинг ўз касбини яхши эгаллаб олишларида, маъсулятини чуқур ҳис қилиб ишлашларида, бинобино, хўжалиқнинг комплекс ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

16 МАРТ
Ўзбекистон ССР Махаллий Советлари
САЙЛОВЛАР КУНИ
АГИТПУНКТ ЧИРОҚЛАРИ
ТОШКЕНТ. Чилвозордаги 168-мактаб босинога жойлашган агитпункт сайловларга тавбагарлик ишларини қизиқти юборди. Мактаб директори Валентина Мельник агитпункт мудири сифатида катта ташкилотчилик ишлари олиб бормоқда. Доҳий Лениннинг ҳаёти ва революцион фаолиятини ас эттирувчи совет сийлов системаси ҳақидаги фотостендлар ҳаммада катта қизиқти уйғотмоқда.

ПОРЛОҚ РЕЖАЛАР
ТОШКЕНТДАГИ «КИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ФИРМАСИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИНИНГ 1969 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ
Ўтган йили қарийб 700 мингта турдан хил пальто тикнаган фирманинг коллективининг бу йилги режалари ҳам катта. Беш йилликнинг тўртинчи йилида, янсақча қилиб айтганда, аҳлигана пландан ташқари бир юз йегирма минг сумлик кийим-кечак етказиб беришимиз, юзта янги пальто моделини ишлаб чиқаришга жорий етишимиз лозим. Бунинг устига ўз беш минг метр материал тежаш, 70 га яқин рационализаторлик таклифини амалга ошириш, камда 22 минг киловатт-соат электр энергияни ифтиқод қилиш ва 450 илчининг маҳсул курсларда малакасини оширишимиз керак.

РАҲБАР ХОДИМЛАР УЧУН ЛЕНИНЧА ЛЕКТОРИЙ
Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан республика ташкилотларининг раҳбар ходимлари учун тузилган ленинча лекторий ўз ишга бошлади. Лекторий программасига мувофиқ, миллий масала юзасидан ленинча таълимот ва КПССнинг миллий сийсати туғрисида лекциялар ўқилди.
Лекторий В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигига бағишлаб ташкил этилган, унинг машгулотлари 1970 йил апрель ойига қадар давом этади.

